



ҲАРБИЙ ЖАМОАДАГИ ИЖТИМОИЙ ФИКР

Жўраев Шерали Махмудович

Чирчиқ давлат пердагогика университети
замдекани

Абдурасулов Жаҳонгирмирзо

ЧДПУ Педагогика факультети

Педагогика ва психология йўналиши

1-босқич магистранти

jmra9923@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10700891>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-fevral 2024 yil
Ma'qullandi: 21-fevral 2024 yil
Nashr qilindi: 23-fevral 2024 yil

KEY WORDS

ABSTRACT

Ёлгон обрў ва сохта ўртоқлик. Микрогуруҳлар хақида тушанча. Жамоа кайфияти, жамоавий анъаналар. Ижобий анъаналарнинг намоён бўлиш даражалари.

Ижтимоий фикр ёки жамоа фикри жамоа психологиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бирон бир воқеа-ходисага нисбатан ҳарбий бўлинма аъзоларидаги фикрлар, баҳолар йиғиндисига ижтимоий ёки жамоа фикри дейилади. Жамоа фикри оммавий ижтимоий-психологик ходиса бўлиб, одамлар ўртасидаги ғоялар, фикрлар, эътиқодлар ва ҳиссиётларнинг ўзаро алмашинувида ривожланади.

Жамоа фикри жамоа маънавий ҳаётининг жуда ҳам мураккаб ва тез ўзгарувчан ходисаси ҳисобланади.

Бўлинмаларда жамоа фикрни шакллантирмай туриб, мустақкам ҳарбий интизом, юксак жанговар тайёргарлик ҳамда ҳарбий жамоа аъзоларининг ижтимоий фаоллигига эришиб бўлмайди. Жамоа фикри ўз моҳият эътибори билан бошқариладиган ходиса. Уни бошқариш маълум бир томонга мақсадга мувофиқ равишда йўналтириш мумкин. Ҳарбий хизматчиларда мафкура, ғоя, фикр ва мақсадларни шакллантиришда командирлар, жамоа фаоллари, расмий ва норасмий лидерлар катта рол ўйнайдилар.

Жамоада ғоявий бирликка эришишда жамоа фикри асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун эса жамоа фикри яқдил ва умумий бўлиши лозим. Жамоа фикрининг тез ўзгарувчанлик бўлганидан командирнинг асосий вазифаси мана шу ўзгаришларни керакли томонга йўналтиришдан иборат.

Шу маънода бўлинмадаги ҳарбий хизматчилар у ёки бу воқеани фаол муҳокама қилишаётган вақтни қўлдан бой бермаслик лозим. Улар стихияли ўзаро муҳокама ва мунозара жараёнида у ёки бу фикрга келишади. Ушбу вазиятда маълум бир аскарлардаги нотўғри фикрлардан халос бўлиш учун воқеанинг асл сабаб ва

мохиятини тушунтириб бериш катта аҳамиятга эга. Баъзан алоҳида бир кишининг (лидернинг ёки оддий аъзонинг ҳам) фикри бутун бошли жамоанинг фикрига айланиши мумкин. Агар бундай кишилардаги фикрлар гуруҳнинг ҳақиқий мақсадларига зид бўлса, улардан эҳтиёт бўлиш керак.

Жамоа фикрини билишнинг, ўрганишнинг ягона йўли шахсий таркибга яқин бўлишдир. Айниқса, муҳим масалаларни, айтайлик жанговар вазифаларни бажаришдан олдин салбий индивидуал фикрларнинг олдини олиш жуда ҳам зарур. Бўлинмада тўғри ва ҳақиқий жамоа фикрини шакллантириш учун жамоа олдига ва алоҳида олинган ҳар бир ҳарбий хизматчи олдига аниқ талаблар қўйиш керак бўлади. Шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, жамоа фикри жамоанинг ҳар бир аъзосига наинки ижобий, балки, салбий таъсир ҳам кўрсатиши мумкин.

Жамоа кайфияти-жамоа аъзоларида у ёки бу ходисага нисбатан пайдо бўладиган ҳиссиётлар мажмуаси. Бир вақтда жамоанинг ҳамма аъзоларида ёки уларнинг кўпчилигида намоён бўладиган ҳис-туйғулар ва кечинмалар мажмуасига жамоа кайфияти дейилади.

Жамоа кайфияти жуда катта таъсир кучига эга бўлиб, ҳарбий хизматчилар хулқ-атвори ва фаолиятининг мотиви ҳисобланади. Жамоа кайфиятининг баъзи турлари (иштиёқ, муваффақиятга бўлган ишонч, кўтаринки кайфият) унинг муваффақиятига омил бўлса, бошқалари (ёмон кайфият, ўз кучига ишонмаслик зеркиш, хафалик ва норозилик) эса аксинча, жамоанинг имкониятларини пасайтиради.

Бундан ташқари ҳарбий жамоалар ўзига ҳос анъаналарга эга бўладилар. Жамоанинг ўзига ҳос бирон бир хусусиятини вақт ўтиш билан сақлаб қолиш ходисасига анъана дейилади. Умуман жамиятда, хусусан эса жамоада кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқот ва муносабатларда пайдо бўладиган ходисалар кўп ҳолларда урф-одат ёки анъана шаклига киради.

Ҳарбий бўлинмадаги кайфият, унинг фаолият ва ҳаёт тарзи, командирнинг раҳбарлик услуби ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ўзига ҳос хулқ-атворлари ҳам анъана даражасига кўтарилиши мумкин. Анъаналар умуминсоний, миллий, ҳудудий ва жамоавий бўлади. Улар жамоада ўзига ҳос ижтимоий «елим» вазифасини ўтайди: айнан анъаналар жамоани бир бутунликда ушлаб туради. Шу билан биргаликда у жамоага ўзига ҳослик ва жозоба бахш этади. Мазмунан анъаналар меҳнат, спорт, жанговар ва ҳоказо турларга бўлинади.

Ҳарбий жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитни белгилаб берувчи омиллардан яна бири, ўзаро муносабатларнинг ўзига ҳос шакли бўлган обрў (обрў-эътибор ёки нуфуз) ҳисобланади. Обрў бир киши (гуруҳ)нинг бошқа киши (гуруҳ)ларга ўтказадиган ижтимоий-психологик таъсирдир.

Масалан, раҳбар ёки командирнинг ўз қўл остидагиларига, ўқитувчининг ўқувчиларига, жамоанинг шахсга ва юқори ташкилотларнинг қуйи ташкилотларга кўрсатадиган таъсири.

Обрў ходисаси кишилар ўртасидаги мулоқат - муносабатларнинг ажралмас таркибий қисмларидан биридир.

Бўлинма командирининг обрўси ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда, уларни тарбиялаш жараёнида муваффақиятга эришишнинг асосий шарти ҳисобланади. Шунинг учун керакки, обрўли командир обрўсиз командирга қараганда жуда катта таъсир кучига эга.

Ҳеч қачон зўравонлик билан обрў қозониб бўлмайди. Обрў жамоадаги мавжуд ўзаро муносабатларнинг ҳамда алоҳида бир шахсдаги ижобий сифатларнинг махсули ҳисобланади. Обрў-эътиборда ҳар доим ўша инсонга нисбатан ҳурмат, унинг кучига ва имкониятларига ишонч ўз ифодасини топади. Обрўнинг яна бир ахамияти шундаки, усиз жамиятда ва алоҳида ҳарбий бўлинмада биронта ҳам ташкилий фаолиятни амалга ошириб бўлмайди.

Обрў ишонтириш кучига эга. Унга эга булган киши атрофдагиларга кучли таъсир эта олади. Жамоадаги обрўли шахсга бўлган ишонч шу жамоани жипслаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳарбий жамоанинг психологик манзараси.

Ҳарбий психологияда жамоа деб, ҳарбий хизматчиларнинг шундай гуруҳига айтиладики, бу гуруҳдаги хизмат ва ички ҳаёт ҳарбий низомлар асосида ташкил этилиб, улар ўртасидаги шахсий ҳамда хизматга оид муносабатлар мустаҳкам бўлади. Ёки бошқача қилиб айтганда бир фаолият атрофида уюшган кишилар гуруҳига жамоа дейилади. «Бўлинма шахсий таркиби» ва «бўлинма жамоаси» бирикмалари бир нарсани) англатмайди. Ўзаро ихтилофлар мавжуд бўлиб, ҳарбий интизом заиф бўлган жойда ҳарбий жамоа бўлмайди.

Ҳарбий жамоа ўзгариб, ривожланиб турувчи ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, ўзига хос ривожланиш босқичларига эга: Биринчи босқичда командир бутун жамоа олдида ўз талабларини қўяди; Командир талабларининг жамоа аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиши эса ривожланишнинг иккинчи босқичини англатади; Бу талаблар жамоанинг умумий фикрига айланганда ва жамоа ўз аъзоларининг ҳар биридан ушбу талабларни бажаришни сўрайдиган пайтда эса ривожланишнинг учинчи босқичи бошланади; Навбатдаги босқич жамоа талаблари таъсирида ҳар бир ҳарбий хизматчи ўз-ўзидан мана шу мажбуриятларни бажаришни талаб қилади. Уларда ўз-ўзига нисбатан талабчанлик, танқид қилиш ҳисси пайдо булиши билан ҳарбий жамоа ривожланишининг энг юқори, олий босқичига эришилади.

Аммо, талаб қўйиш ҳарбий жамоа ривожининг ягона мезони эмас. Жамоа фикри ривожланиши билан бу талабга ҳар бир ҳарбий хизматчидаги бошқалар олдидаги жавобгарлик ҳиссига айланади. Бу нарса ҳарбий интизомнинг мустаҳкамланишини таъминлайди.

Ҳарбий жамоалар ривожланишига хос булган ва биз юқорида санаб ўтган босқичлардан ўзларининг индивидуал-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бир ҳарбий хизматчи турли даражадаги қийинчиликлар билан ўтадилар. Бунинг эндигина ҳарбий

хизматга келган ёш аскарлар мисолида кўриб чиқамиз. Улардаги кўникиш (адаптатсия) даврини руҳий ва жисмоний жиҳатдан меъёрида ўтказиш бўлинмадаги ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Мослашиш шундай ҳодисаки, бунда атроф-муҳитдаги ва фаолиятдаги янги омиллар, шароитлар таъсирида шахс руҳиятида катта ўзгаришлар содир бўлади. Аскарнинг ҳарбий хизмат шароитларига мослашиши жараёнига ҳарбий хизматнинг ҳамма томонлари таъсир этади. Улар қуйидагилар:

Аскарлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

Уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

Ҳарбий ва техник билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллашларига ёрдам бериш (ҳарбий-техник кўникиш);

Уларда жанг олиб бориш кўникмаларини шакллантириш жанговар кўникиш;

Муайян бир ҳарбий жамоага қўшилиш, командирлар, бошлиқлар ва лавозими тенглар билан ўзаро муносабатларни ўрнатиш (ижтимоий кўникиш);

Кўникишнинг турли шакллари ўртасида ўзаро яқин алоқалорлик мавжуд. Масалан, ёш аскарнинг жанговар маҳоратни эгаллаши унинг бўлинмадаги ижтимоий муҳитга киришига ёрдам беради. Бу нарса ўз навбатида ушбу аскарнинг бўлинмадаги обрўйига ҳамда жамоанинг унга нисбатан бўлган муносабатига таъсир этади. Ва аксинча, аскарнинг маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларидаги фаоллиги унинг ҳарбий техникани қанчалик муваффақиятли ўрганишига ҳамда унда ишлай олишига боғлиқ бўлади. Ижтимоий муҳит яхши бўлган иноқ жамоаларда ҳарбий мутахассисликни эгаллаш жараёнидаги қийинчиликлар ҳарбий низом қоидалари тез-тез бузилиб турадиган бўлинмалардагига қараганда 3-4 марта кам бўлар экан. Ёки, яна бир мисол: ўқув бўлинмалари битирувчилари ўзлари ҳарбий хизмат амалиётини ўтаган қисмлардан бошқа қисмларга хизматга жўнатилганда уларда кўникиш билан боғлиқ қийинчиликлар анча кўп бўлган.

Кечаги ўқувчи, талаба ёки ишчини фуқаролик ҳаётидан ҳарбий хизмат шароитига бирданига ўтказиш ҳар хил кунгилсизликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун бу босқич командирлар назорати остида амалга оширилади. Ёш аскардаги характер, қобилият ва кўникмалар бу даврнинг қандай ўтишини белгилаб беради. Масалан, бири дилкаш, иккинчиси эса худбин бўлган аскарларни олайлик. Дилкаш аскар хизматга хос бўлган ҳарбий низом талабларини ва ахлоқ меъёларини тезда ўзлаштириб олади. Бундайлар жамоа топшириқларини ҳам иштиёқ билан бажарадилар ва бошқа; сафдошларига бажонидил ёрдам берадилар. Одатда, улар мустаҳкам ахлоқий-иродавий хусусиятга эга бўладилар.

Худбин аскар эса унга командирларнинг назарига тушишига ёрдам берадиган ва уни юқори мавқега кўтарадиган ишлар билан шуғулланади. У кўп ҳам кўзга ташланавермайдиган, ҳар вақт командирлар пайқайвермайдиган «қора» ишлар билан бошқалар қатори шуғулланишни ёқтирмайди. Кўникиш жараёнида ёш аскарлар дунёқараши, одатлари ва умуман руҳиятида қайта қуришлар юз беради.

Шу ўринда ҳозирги ёш аскарларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталишга тўғри келади. Улар ўзларидаги кенг дунёқараш ва билимдонликлари билан ажралиб турадилар. Уларда меҳнатга муносабат ижобий бўлиб, Ватанга муҳаббат ҳисси ривожланган. Ёшлар ҳар соҳада мустақилликка интиладилар, лекин, шунинг билан биргаликда уларга жамоа таъсирига берилувчанлик хос. Улардаги фикр юритиш ва фаолият тарзи тенгдошларига ва атрофдагиларга боғлиқ бўлиб, бошқаларга ўзини кўрсатиб қўйиш истаги уларда тез-тез пайдо бўлиб туради. Тажрибасиз бўлганликлари учун ҳам бу ҳаракатлар кўпол, агрессив усуллар билан амалга оширилади. Бу ёшдаги кишилар атрофдаги воқеа-ҳодисаларга баҳо беришда кўпроқ максимализм (бир ёқламалик) га берилишади. Бунга сабаб улардаги сабр-тоқатнинг йўқлиги. Шунингдек, уларга яна туғилиб ўсган жойларига нисбатан маънавий-руҳий жиҳатдан боғланиб қолиш ҳодисаси ҳам хос бўлиб, бу нарса хизмат даврида маълум қийинчиликларни туғдиради.

Интизом ҳам ҳарбий бўлинмалардаги ўзига хос ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, умумҳарбий низомлар ва ахлоқ меъёрлари, командирларнинг буйруқ ва кўрсатмалари, ижтимоий ва жамоа фикри, анъаналар, обрў каби воситалар билан бошқарилади. Ҳар қандай интизом, жумладан ҳарбий интизом асосида ҳуқуқ ва ахлоқ ётади. Умумҳарбий низомлар ҳарбий интизомни, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда кундалик хизмат фаолиятида пайдо бўладиган муайян шароитларда қандай ҳаракат қилишни тартибга солади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, ҳарбий интизом бузилишининг асосий сабаби ҳарбий хизматчиларнинг умумҳарбий низомларни қисман ёки умуман билмасликлари экан. Шунинг учун ҳам аскар ва сержантларнинг ҳарбий низомларни билишларига эришиш катта аҳамиятга эга. Ҳарбий интизомга ўргатишда унинг услубияти муҳим рол ўйнайди. Низомларни ўргатиш, одатда, офитсернинг улар ҳақидаги ҳикоясидан, тушунтиришидан бошланади. У ёш аскарларга ҳарбий низомларнинг турлари, уларнинг нима мақсадда яратилганлиги, жанговар тайёргарликдаги аҳамияти ҳақида сўзлаб беради. Шундан кейин эса алоҳида моддаларни ўқиб ўрганишга, уларни ҳаётий мисоллар билан мустаҳкамлашга ўтилади. Баъзи офитсерлар эса низомларни ўргатишда нотўғри йўлдан боришади – ҳарбий хизматчилардан маълум бир моддаларни ёки қоидаларни тўлалигича ёд олишни талаб қилишади. Бундай муносабат кишиларнинг ўз вазифаларига нисбатан совуққонликларига, улардаги ақлий фаолиятнинг заифлашувига олиб келади.

Қуйидагилар жамоада ижобий ижтимоий-психологик муҳит бўлишининг асосий шартлари ҳисобланади:

жамоанинг барқарор таркиби;

шахсий таркиб ўртасидаги психологик мослик;

умумий натижа учун ҳамманинг ҳаракат қилиши.

Хулоса. Ҳарбий психологияда ҳарбий жамоа умуман олганда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларда жамоа тушинчаси муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Берилган вазифалар, топшириқлар, жанговар вазифаларни бажаришда жамоа бўлиб ҳаракатланиш жуда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомларида бўлинмалардаги жанговар тайёргарлик ва ички интизомни мустаҳкамлаш мақсадида офицерларнинг жамоа фикридан ҳар томонлама фойдаланишлари зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек барча талаблар жамоа бўлиб ҳаракатланишга, ҳарбий хизматчиларнинг бир бири билан ўзаро боғлиқликда командир ва буйсунувчи, катта ва кичик тушунчалари билан боғлаб қўйган. Шундай экан ҳарбий хизматчилар бир-бири билан ўзаро боғланган ва бу жамоа бўлиб ҳаракат қилишга ундайди.

Асосий адабиётлар.

1. "Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 декабрдаги 348-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 2003.
3. "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралб, 25-сонли қарори.
4. Иброкҳдмов А., Султанов Х., Жураев Н. Тҳе феелинг оф тҳе мотҳерланд. Т., Узбекистан, 1996.
5. Саадуллаев Д. Блиссфул Булл, вҳо ҳас лост фаитҳ. Молокат, №2
6. Жўраев Ш.М. ссиентифис ресеарч ин тҳе милитарй фиелд 2020й
7. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7244584>
8. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7239000>
9. Ҳасанбойева О.У., Ҳасанбойев Ж., Ҳамидов Х. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
10. Ч.Р.Насриддинов «Ҳарбий психология» Фан нашриёти, Тошкент 2004 й.
11. А.Сотиб-Олдиев, А.Каримжонов «Ҳарбий педагогика» Шарқ нашриёти, Тошкент 2005 й.
12. Қ.А-Ш.Сатиб-Алдиев «Ҳарбий психология ва педагогика асослари» ТДПУ нашриёти, Тошкент 2003 й.
13. А.С.Абдуқодиров, Ғ.Аҳмедов Ҳарбий хизмат ахлоқи. Ўқув Қўлланма Шарқ нашриёти, Тошкент 2007 й.

Интернет сайтлар

1. www.intccc.int
2. www.unep.org

3. www.youtnelimatechange.net

4. www.wwt.ru

5. www.climate.uz



INNOVATIVE
ACADEMY